



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 16.06.2022 г. № 6/2022

между Бекабод ТЙФУК и Бекабод туман КФБ ободонлаштириш булими на общую сумму 802939736,00

Глава _____ 110
Казначейский лицевой счёт _____ 401722860272207065200110005

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4233100			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь	802 939 736,00			802 939 736,00
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	802 939 736,00			802 939 736,00

Всего 802939736,00 сум

Восемьсот два миллиона девятьсот тридцать девять тысяч
семьсот тридцать шесть сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 240881920,80 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

С.А.Нурматов
Ф.И.О.

(подпись)

С.Й.Эрназарова
Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения _____

(подпись)

« __ » _____ 20__ г.

Получил работник
заказчика _____

(подпись)

« __ » _____ 20__ г.

29919419

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

_ 6/2022 - сонли

Бекобод туман.

11/04

2022 йил

" 16 "

Бекобод туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринда "бююртмачи") номидан низоми асосида иш юритувчи рахбари Нурматов Соибжон бир томондан ва Бекобод ТЙФУК (кейинги ўринларда "пудратчи") номидан Устав асосида иш юритувчи директор Хусанов Бахром Адхамович иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти Бекобод тумани Кўқони МФЙ Шаршара кўчасини жорий таъмирлаш (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисидаги"ги 684-сонли қонунига асосан harid.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 22110012099739) эълон қилинган.

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича *бююртмачи* томонидан *пудратчига* ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *бююртмачи* эса *пудратчига* жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Бююртмачи* томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан 802 939 736 (Саккиз юз икки миллион тўққиз юз ўттиз тўққиз миң еттиз юз ўттиз олти) сўм, шундан ҚҚС 104 731 270 (бир юз тўрт миллион етти юз ўттиз бир миң икки юз етмиш) сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми *бююртмачи* томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар *буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида *буюртмачининг* рухсати билан йўналтирилиши мумкин;

-объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачига* топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни *буюртмачига* тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* қурилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *буюртмачига* хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қондалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши курашиш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилиши ифода қилади ва кафолатлайди. “Истемолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истемолчи манфаатлари учун муддат юқори ташкилотлар томонидан

ўзгартирилиши муносабати билан бузилса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

- ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги конунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

- *пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан *пудратчига* молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдоридан бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- 5 кунлик муддат ичида *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказилади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобидан тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *буюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.6. *Пудратчи* ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи буюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича *Пудратчи* Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар *буюртмачи пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект *буюртмачи* томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчида* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келишга олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шахарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

11.2.). *Ички йўллари жойларда фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ* томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. *Пудратчи* ташкилот ишчи гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. *Пудратчи* жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ *буюртмачига буюртмачи* томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. *Пудратчи буюртмачига* ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. *Пудратчи*:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига, шахарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари *пудратчи* ва *бюртмачининг* икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан усқуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Бюртмачи*:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *бюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қондалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. *Пудратчи*:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Бюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*бюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *бюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкӣ жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*бюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *бюртмачи пудратчига* кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Бюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи бюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *бюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда «Йўлқурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга. *Бюртмачи* томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% (фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

14.5. *Бюртмачи Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида *Бюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Бюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотди.

16.2. *Идратчи* қўрилши объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли ниш ҳужжатларини *бюртимачининг* ёзма руҳсатисиз, ёрдამчи *муратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартiriш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Бюртимачи* билан *муратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олинб келадиган ҳар қандай ахлдан уяни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартiriшлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нускада тузилади. Республикани Молия Вазирлиги ўзеначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазибаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ўзеначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қуйидагилар ялова қилинади:

- 1-ялова – Бажариш жавабли,
- 2-ялова – Молиялаштириш жавабли.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“БЮЮРТМАЧИ”

“МУДРАТЧИ”

Бекобод туман Ободонлаштириши
бошқармаси

“Бекобод туман йўллардан фойдаланиши
унитар” корхонаси

Манзили: Бекобод туман Гулистон МФЙ
F. Ғулом кўчаси 45 уй
Х/р 4017228602722070652000110005 ИНН
200556379

Манзили: Тош.вил Бекобод т. Зафар ш.
Тошкент кўчаси
М.х/р 20210000000131994001
Банк АТИБ Ипотека банк Бекобод фили
ИНН-200.556.419 ОК.ДЛ: 42110
МФО: 00489

Банки Марказий банк
Узб.Рес.Молия Вазирлиги Ўзеначилиги
х/р: 23402000300109001010
МФО: 00014
ИНН: 201122919

Директор Б.А.Хусанов

Раҳбар:

С.А.Нурматов



ҲУРИДИК АҲАМИЯТГА ЕГА ҲУЈЈАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЈЈАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТО‘Г‘РИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

№

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Bekobod tumani Obodonlashtirish boshqarmasi va Bekobod ТУҲУК o‘rtasida Bekobod tumani Qo‘qon MFY Sharshara ko‘chasini joriy ta‘mirlash ishlarini bajarishga tuzilgan 6/2022-sonli shartnoma loyihasi to‘g‘risida

3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot

Bekobod tumani obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan xujjat loyihasi 2022 yil 15 iyun kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan (xujjat raqami CB65231036)

Loyiha markaz tomonidan huquqiy ekspertizadan o‘tkazildi, amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig‘i

A. Iskandarov

2022 yil 16 iyun



Handwritten signature or mark at the bottom left corner.



Yundik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BEKOBOD TUMAN YO'LLADAN FOYDALANISH UNITAR KORXXONASI" Unitar korxonaga

(Yundik shaxsning – tadbirkorlik subyekti)ning tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BEKOBOD TUMAN YO'LLADAN FOYDALANISH UNITAR KORXXONASI" UK

(Unitar shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkiliy elish (qayta tashkiliy elish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

12.05.2017

4-2043

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (secz bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STR):

200556419

Tashkiliy-huquqiy

shakli:

Unitar korxonaga

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Bekobod tumani, Zafar, Zafar shaharchasi, Toshkent ko'chasi,

Guvoohnoma:

Toshkent viloyati, Bekobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI

MARKAZI

tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organi)ning to'liq nomi)



«ТАСДИКЛАЙМАН»
Бекобод тумани
Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари

С.А.Нурматов

16
июнь 2022 йил.

Бекобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама
натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси

БАЁННОМАСИ № 11

Комиссия раиси:

Ш.Азимов

Котиб:

А.Холикулов

Аъзолари:

Ж.Мирсолиев

А.Кадиров

С.Хайиткулов

Ш.Мамадалиев

Кун тартибида:

Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунинг 62-моддасига асосан. Бекобод туман Ободонлаштириш бошқармаси харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида лот рақми № 99739 га тегишли бўлган 13.06.2022 йлдаги баённома давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилганлиги тўғрисида.

Эшитилди комиссия раиси:

Лот рақми № 99739 га тегишли бўлган 13.06.2022 йлдаги баённома давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб

КОМИССИЯ ҚАРОР КИЛАДИ:

Лот рақми № 99739 га тегишли бўлган 13.06.2022 йлдаги баённомадаги харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. “Бекобод тумани йўллардан фойдаланиш унитар” корхонаси билан шартнома имзолансин.

Комиссия раиси:

Ш.Азимов

Котиб:

А.Холикулов

Аъзолари:

Ж.Мирсолиев

А.Кадиров

С.Хайиткулов

Ш.Мамадалиев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 99739 на приобретение Тошкент вилояти Бекобод тумани Қўқони МФЙ Шаршарв кучси йулларини асфалтобетон қопламаси билан жорий таъмирлаш учун 2.670 км

Способ проведения электронный

Дата 13.06.2022

Время рассмотрения 13.06.2022 09:44

Конкурсная комиссия Бекобод туман Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XAYITKULOV SIROJDDIN MUXAMMADJONOVICH	техник	Бекобод туман Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	XALIKULOV ABDUMAJID MAXKAMOVICH	иктисодчи	Бекобод туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	MIRSALIYEV JAXONGIR TURSUNBAYEVICH	бригадир	Бекобод туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	MAMADALIYEV SHOKIRJON RUSTAMOVICH	техника хавфсизлиги мухандиси	Бекобод туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	KADIROV AKMAL ABDUSALOMOVICH	Булим бошлиги	Бекобод туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	AZIMOV SHUXRAT RAHMATJONOVICH	Бош мухандис	Бекобод туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.06.2022 года № лота 99739.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Тошкент вилояти Бекобод тумани Қўқони МФЙ Шаршарв кучси йулларини асфалтобетон қопламаси билан жорий таъмирлаш учун 2.670 км 1.Таклифни давлат тилида тайёрлаши, 2.Барча ҳисоб китоблар сўмда амалга оширилиши, 3.Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилиниши, 4. Иштирокчилар шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг мавжудлиги тўғрисида расмий ҳужжат тақдим этишлари, 5. Иштирокчилар шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик тўғрисида ҳужжат тақдим этишлари, 6. Иштирокчилар солиқ тўловларидан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этишлари, 7. Иштирокчилар ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида ҳужжат тақдим этишлари, 8. Иштирокчилар инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган булишлари, 9. Ишни кўрсатилган муддатда ва смета-лойиҳа, экспертиза ҳужжатлари асосида
Количество товара	1.00

Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	970 000 000.00
Стартовая сумма	970 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Шартнома имзоланиб олдиндан 30% тулов ўтказилгандан сунг 10 кун муддат ичида бажариш. Бир йил мобайнида йўл таъмири буйича муаммолар вужудга келса бепул кайтадан таъмирлаб бериш учун кафолат хати тақдим этиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МЕHNATKASH МЧЖ	20	901000000	10	Экспертная		
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	20	961781699	20	Экспертная		
БЕКОВОД ТУМАН ЎФУК	20	802939736	20	Экспертная		

Критерий №2 Лойиҳа-смета, экспертиза ҳужжатлари асосида сифатли маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда сифатли бажариш ва кўрсатилган муддатларда топшириш

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МЕHNATKASH МЧЖ	20	901000000	10	Экспертная		
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	20	961781699	20	Экспертная		
БЕКОВОД ТУМАН ЎФУК	20	802939736	20	Экспертная		

Критерий №3 Ташкилот низоми ва рўйхатдан ўтказгани тўғрисида гувоҳнома, солиқдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида, қайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида, ташкилотни балансда мавжуд машина механизмлари тўғрисида, пудратчини қурилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида, инженер ва техник ходимлар тўғрисида маълумотлар тақдим этиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEHNATKASH MЧЖ	20	901000000	9	Экспертная		
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	20	961781699	19	Экспертная		
BEKOBOD TUMAN YFUK	20	802939736	20	Экспертная		

Критерий №4 Пудратчи ташкилот хисоб ракамида 1 ой давомида етказиб бериш учун етарлича пул маблаг и булиши керак, Банк айланма когозини такдим этиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEHNATKASH MЧЖ	20	901000000	9	Экспертная		
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	20	961781699	20	Экспертная		
BEKOBOD TUMAN YFUK	20	802939736	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
BEKOBOD TUMAN YFUK	970 000 000.00	802 939 736.00	10.06.2022 15:27:26	30.00
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	970 000 000.00	961 781 699.00	10.06.2022 14:40:38	25.05
MEHNATKASH MЧЖ	970 000 000.00	901 000 000.00	10.06.2022 10:25:59	26.73

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
BEKOBOD TUMAN YFUK	70	30	100
ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH	69.125	25.04538	94.17038
MEHNATKASH MЧЖ	33.25	26.73495	59.98495

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 99739 от 13.06.2022 года на приобретение Тошкент вилояти Бекобод тумани Кўқони МФЙ Шаршарв кучси йулларини асфалтобетон қопламаси билан жорий таъмирлаш учун 2.670 км определила победителем:

BEKOBOD TUMAN YFUK
200736419

и резервный исполнитель: ООО FARA VON BUNYODKOR ISHONCH (304079278)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XAYITKULOV SIROJIDDIN MUXAMMADJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	AZIMOV SHUXRAT RAHMATJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRSALIYEV JAXONGIR TURSUNBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MAMADALIYEV SHOKIRJON RUSTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	KADIROV AKMAL ABDUSALOMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Тошкент вилояти Бекобод тумани Кўкони МФЙ Шаршара кучси йўлларини асфалтбетон қопламаси билан жорий таъмирлаш учун 2.670 км
 2022 йил " 16 " ИЮН таъмирлаш учун 2.670 км
 2022 йил " 16 " ИЮН дагис/дагисонгли шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Бекобод тумани Кўкони МФЙ Шаршара кучси йўлларини асфалтбетон қопламаси билан жорий таъмирлаш учун 2.670 км

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Амалга оширилган ишлар	Йиллар	2022 йилда объект киймати												Иш турлари бўйича уқумий киймати	
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Жорий таъмирлаш	2022						802 939 736								802 939 736
ХАММАСИ:		2022						802 939 736								802 939 736

БҲЮРТМА ЧИ


ИДРАТИ



Тошкент вилоятни Бекobod тумани Кўкони МФЙ Шаршара кучаси йулларини асфалтобетон қопламаси билан жорий таъмирлаш учун 2.670 км қопламаси билан жорий таъмирлаш учун 2.670 км 2022 йил "18" август даврида *Бексовли* шартномасига

2-илова

Тошкент вилоятни Бекobod тумани Кўкони МФЙ Шаршара кучаси йулларини асфалтобетон қопламаси билан жорий таъмирлаш учун 2.670 км

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Моллашатириш жазасли	Йил-лар	2022 йил												Жами		
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр			
Ажратилган асос маблаг 30%	2022						240 881 921									240 881 921
Ажратилган асос маблагини инобатга олиб бажарилган ишларни моллашатиришга ажратилган маблаг	2022						562 057 815									562 057 815
Жами:	2022						802 939 736									802 939 736
Жами моллашатирилган маблаг		802 939 736 (сависпа юз икки милядон тўқсиз юз ўттиз тўқсиз минг етти юз ўттиз олти)														

БУЮРМАНИ


ЎЗЛАТЧИ:
